

Таҳорат бор йўқлигида гумон



06:30 / 28.08.2018 5259

Ассалому алайкум! Тоҳорат олгандан сўнг ел келса келмаса, келгандек шубха уйғонади. Бундай холда мен 1 намозга 1та тоҳорат оламан. Шу масала мени қийнади, илтимос жавоб берсангизлар, нима қилай? Олдиндан раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом!

مَسْئَلَةٌ سَأَلْنَا عَنْهَا فِي تَهْنِئَةِ الْيَوْمِ الْوَأَمْرُ أَنَّ نَسْتَأْذِنَ بِهَا نَبِيَّكُمْ
لِيُخْبِرَنَا بِحَالِهَا وَنَسْتَأْذِنُ بِهَا نَبِيَّكُمْ لِيُخْبِرَنَا بِحَالِهَا وَنَسْتَأْذِنُ
بِحَالِهَا نَبِيَّكُمْ لِيُخْبِرَنَا بِحَالِهَا وَنَسْتَأْذِنُ بِحَالِهَا نَبِيَّكُمْ
لِيُخْبِرَنَا بِحَالِهَا وَنَسْتَأْذِنُ بِحَالِهَا نَبِيَّكُمْ لِيُخْبِرَنَا بِحَالِهَا

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Бирингиз намоз ўқиётганида шайтон келиб ел чиқадиган жойига пуфлайди. Шунда у таҳоратим кетди деб хаёл қилади. Ҳолбуки таҳорати кетмаган бўлади. Қачон шундай ҳолатни топса то овозни эшитмагунча ёки ҳидни топмагунча намозни бузмасин” дедилар. Баззор ривояти.

Васвасага берилган одам шайтоннинг тузоғига тушиб қолади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг таълимотларига амал қилиб овоз эшитмагунча ёки ҳидни топмагунча намозини бузмасин ва таҳоратини кетган деб ўйламасин. Валлоху аълам!

